

2013 йил январ-июнь ойларининг яқунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 21.07.2013

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/itogiyanvariyyun2013>

2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" корхоналарида 873,3 млрд. сўмлик маҳсулот ҳамда 56,8 млрд.сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 100,1%-ни ташкил қилди.

588,43 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 448,79 минг тонна азотли ўғитлар, 79,96 минг тонна фосфорли ўғитлар ва – 59,68 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот экспорти прогнозга нисбатан 130,7%-ни ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2013 йил январь-июнь ойларида 188,4 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва прогноз 101,2% -га бажарилди.

2013 йил Инвестицион дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари томонидан 79,24 млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан 88,7 млрд.сўмлик маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди ва прогноз 121% -га бажарилди.

163 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 49 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2013 йил январь-июнь ойлари давомида 19915,4 млн.сўмлик агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан: 1066,3 млн.сўмлик 62,9 минг тонна компост тайёрланди ва сотилди, 140,8 минг тонна органик ва 358 минг тонна минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. 105 минг гектарга минерал ўғитлар сепиб берилиб, 835,4 минг гектар ғалла ва пахта майдонларида суспензия тадбирлари ўтказилди.

"Ўзкимёсаноат" ДАК
матбуот хизмати